

HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH
SHARTNOMASI № 29-11/22

29«11»2022 yil.

681-13-194-XT/2022-son

Элликкаля тумани халк таълими бўлими (кейинги ўринда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи **Ф.Юсупов** ва "**MASSHTAB PROEKT NUKUS**" МЧЖ (кейинги ўринда "Ижрочи" деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи **С.Бегимов** мазкур Шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш Шартномаси бўйича Ижрочи Буюртмачининг топширигига кўра мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар" деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: 1-илова бўйича "**Коракалпоғистан Республикаси Элликкаля тумани халк таълими бўлимига қарашли 36-мактаб биносидан 2-этап жорий таъмирлаш ишларига Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**"

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати: Шартнома қийматининг 30% миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширган кундан 5 (беш) иш кунидан бажаради.

Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.3.1. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур Шартномани 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида Шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 10 (ун) кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи Хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда Шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи Шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хаборнома

олингунга қадар кўрсатилган Хизматлар қисмига мутанособ қисмини Ижрочига тўлаш.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси қуйидагилардан ташкил топади:

3.2. Мазкур шартноманинг баҳоси ККС сиз **87 300 000 (саксон етти миллион уч юз минг)** сўмни ташкил қилади.

3.3. Буюртмачи томонидан Ижрочига Шартнома баҳосини тўлаш Ижрочининг мазкур. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига **30%** олдиндан тулаш йўли билан амалга оширилади.

4. Низоларни ҳал қилиш тартиби

4.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

4.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида қонунчиликка кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Хужалик судда кўриб чиқишга топширадилар.

5. Коррупцияга қарши курашиш шартлари.

5.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни қафолатлайди: қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинисига йўл кўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

5.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайди.

5.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

6. Яқуний қондалар

6.1. Мазкур Шартнома Газначилик булимидан руйхатдан утган пайдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

6.2. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.3. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучна эга.

Тарафларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

7. Томонларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари:

"ИЖРОЧИ "	"ИСТЕЪМОЛЧИ"
"MASSHTAB PROEKT NUKUS" МЧЖ	Элликқалъа туман ХТБ
Манзил: Нукус ш. Ак нағис № 43	Манзил: Бўстон шаҳри Х.Дўстлик кўчаси
Тел./факс 93 486 66 36. 90 703 22 66	Тел./факс 585 27 91
х/р 20208000505516954001	ш/х* 100022860352507092100075106
СТИР 309469975 ОКОНХ 41 100	СТИР 200 914 240 ОКОНХ 97 600
Банкнинг номи КАПИТАЛБАНК АКБ Нукус филиали МФО 01038	Газначилик бўлини маси номи Элликқалъа туман Газначилик бўлини маси
	Газна х/в 23 402 000 300 100 001 010
	Банкнинг номи МБТш БХККМ МФО 00 014
	газначилик бўлини маси СТИРи 201 122 919
Раҳбар С.Бегимов	Раҳбар Ф.Юсупов



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	FARXAD YUSUPOV SEVINBAYEVICH
	Imzolangan sana	29.11.2022 08:44
	Hujjat kodi	TO0715811813
	Hulosa kodi	OO3057870482

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

OO3057870482

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Lovixa-smeta xujjatlarini ishlab chiqish**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 28.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ellikqal'a tumani
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:



F.A.Jumaniyazov

28.11.2022



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Давлат ҳаққонлиги тумани халқ таълими бўлими мудири
Ф.Қ.Юсупов

« 28 » ноябр 2022 йил

Товар-материал захираларни ҳамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг 7-чи йиғилиш баённомаси

2022-йил « 28 » ноябр

соат _16_ : _30_

Бўстон шаҳри

Комиссия раиси Юсупов Фарход Севинбаевич
(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари Ҳакимов Кахраман Каримович
(Ф.И.Ш.)

Бекчанов Ядгор Махсудович
(Ф.И.Ш.)

Арзиев Худашуккур Раззакович
(Ф.И.Ш.)

Салаев Давронбек Атаханович
(Ф.И.Ш.)

Халқ таълими бўлими мудири ўринбасари
Лавозими

Халқ таълими бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи
Лавозими

Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси
Лавозими

Халқ таълими бўлими таъминотчиси
Лавозими

Халқ таълими бўлими шартнома бўлим ҳисобчиси
Лавозими

КУН ТАРТИБИ :

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига куйидаги маълумотларни берди:
Ушбу энг яхши таклифни танлаб олиш халқ таълими бўлимининг бюджет маблағлар ҳисобидан 36-сон мактаб биносини 2-этап жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун режалаштирилган.
Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида янги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом) 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги порталида (<http://daxarid.uzek.uz/>) эълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш мuddати якунига 5 (беш) иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали 2022 йил 15 ноябр куни 189315-сонли лот жойлаштирилди.
Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги эълон (<http://daxarid.uzek.uz/>) сайтида жойлаштирилди.
Танлаб олиш бошланғич суммаси: **87 366 068,00** сўм
Шу мuddатларда ўзининг тижорат таклифларини куйидаги қатнашувчилар топширди:
Таклифларни баҳолаш

(сумда)

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошланғич суммаси:	Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф суммаси	
			MASSHTAB PROEKT NUKUS MCHJ	ФАЗО ШАХАРСОЗ КУРУВЧИ МЧЖ
1.	Муассаса биносини кичик таъмирлаш ишларини олиб бориш	87 366 068,00	87 300 000,00	79 500 000,00
ЖАМИ:			87 300 000,00	79 500 000,00

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари ҳақида”ги Низоми талабларига ҳамда юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлаш комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

- Бўстон мини транс ХК 36-сон мактаб биносини 2-этап жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган танлашда (ҚҚС билан бирга) танлаш ҳолиби деб топилсин.
- Ҳолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош торган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансин. Бунда ҳолиб қатнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
- Низом талабларига мувофиқ танлаш қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ҳам баҳолаш мuddати таклифлар бериш куни тугашидан 10 (ўн) иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
- Халқ таълими бўлимининг бош ҳисобчиси Бекчанов Ядгор Махсудович танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига муҳокама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топширилсин.
- Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлаш таъминлансин.
- Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Бекчанов Ядгор Махсудовичга ушбу 2 (икки) иш куни ичида 36-сон мактаб биносини 2-этап жорий таъмирлаш ишлари учун Лойиха-смета ҳужжатлари учун қатнашувчилари томонидан ўтказилган танлаш натижалари бўйича бошқа пудратчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмади, ҳолиб ташкилот MASSHTAB PROEKT NUKUS MCHJ деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузилсин.

Комиссия раиси

Юсупов Фарход Севинбаевич
(имзо)

Юсупов Фарход Севинбаевич
(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари

Ҳакимов Кахраман Каримович
(имзо)

Ҳакимов Кахраман Каримович
(Ф.И.Ш.)

Бекчанов Ядгор Махсудович
(имзо)

Бекчанов Ядгор Махсудович
(Ф.И.Ш.)

Салаев Давронбек Атаханович
(имзо)

Салаев Давронбек Атаханович
(Ф.И.Ш.)

Арзиев Худашуккур Раззакович
(имзо)

Арзиев Худашуккур Раззакович
(Ф.И.Ш.)